



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 11 февраль, сешанба, №16 (3517).



## Янги Қозоғистон – «Янги Одамлар»



**ПРЕЗИДЕНТ "ЯНГИ ОДАМЛАР" ЁШЛАР АНЖУМАНИДА ИШТИРОК ЭТДИ**

Қозоғистон ёшлари анжуманида Президент Қасим-Жумарт Тўқаевнинг шахсан иштирок этиб, эртанги кунимиз эгалари билан дилдан, самимий мулоқот қилишининг замирида улкан мазмун-моҳият мужассам. Тадбирдаги нутқ барча ёшларимизга рағбат берди, уларни келажакка ва ўзига бўлган ишончини яна бир қарра оширди, чунки мазкур дастуриламал маърузада ҳеч бир жиҳат эътибордан четда қолмади. Учрашувда Президент давлатни тубдан замонавийлаштириш ва адолатли Қозоғистонни барпо этиш бўйича ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ҳаракат раҳбари Асел Баденова Президентга "Янги одамлар" фаолияти натижалари ҳақида гапириб берди. Унинг сўзларига кўра, ташкилотга 15 мингга яқин фаол ёшлар аъзо ва мамлакатнинг 19 шаҳрида филиаллари мавжуд. Шу кунгача улар томонидан ўнлаб фуқаролик ташаббус ва тадбирлари ташкил этилди. Ёшлар бузғунчилик, балогатга етмаганларга спиртли ичимликлар сотиш, гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқа ижтимоий иллатларга қарши курашиб, ўз фуқаролик нуқтаи назарини очиб ва фаол ифода этмоқда.

Юртбошимиз анжуман иштирокчиларига мурожаат қилар экан, ўз Ватани тақдирига бепарқ бўлмаган ёшларга миннатдорчилик билдирди. У эришилаётган муваффақиятлардан мамнун эканини, мамлакатимиз ёшларининг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

– Мен бот-бот такрорлайман, Қозоғистон ёшлари заковатли. Ҳозиргина ажойиб ғоялар, яхши ташаббуслар билдирилди. Мен сизларни руҳлантириб, аждодларимизга муносиб авлод бўлишингизни, хорижлик тенқурларингиздан ҳеч бир жабҳада орда орда қолмасликларингизни, илм-фан чўққиларини забт этиб, билим ва салоҳиятларингизни

юртимиз тараққиёти йўлида сафарбар этишингизни, Адолатли Қозоғистонга асос солиб, пировардида мамлакатимизни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашига ҳисса қўшишга чақираман. Бу йўлда нимаики керак бўлса, қандай шарт-шароит ва имкониятлар зарур бўлса, давлатимиз томонидан зиёда билан муҳайё этиб берилди.

Маърузаларингизни тинглаб, менда ёшларимиз учун ғоят юксак ҳурмат, ғурур туйғуси пайдо бўлди, Қозоғистонимиз келажакда ишонч ҳисси мустаҳкамланди. Ватанимиз келажаги замон билан ҳамнафас бўлган президенти билан ёшлар кўлида. Президент сифатида сиздан умидларим катта, – деди Қасим-Жумарт Тўқаев.

Президент мамлакатимиз тарихидаги бугунги жараёни буриш даври деб атади ва жамият олдида юксак мақсадлар турганини таъкидлади.

– Қозоғистон энг илғор давлатга айланиши керак. Биз нафақат ўрганадиган, балки бошқаларга ҳам ўргатадиган халқ бўлишимиз керак. Бу ташаббусларнинг барчасини ҳаётга татбиқ этиш ёшларнинг зиммасида. "Янги одамлар" янги жамият, янги воқеликнинг инъикосидир. Бу масъулиятли, ёшларни бирлаштирган

ҳаракат. Стратегиямизни қўллаб-қувватлаганингиз учун ташаккур, – деди Давлат раҳбари.

Сўнгра Қасим-Жумарт Тўқаев ватанпарварлик руҳи, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасида фикр билдирди, "Тоза Қозоғистон" экологик акциясининг аҳамиятига тўхталиб, масъулият масаласини ҳам илгари сурди. Президент таъкидлаганидек, ўз юрти учун жавобгарликни фақат масъулиятли фуқароларгина ўз зиммасига олиши мумкин.

– Дарҳақиқат, жамиятимизда интизом ва қонун устуворлигини таъминлашга интилимиз керак. Менинг бурчим – давлатимиз қонунларининг адолатли бўлишини, уларга одамларнинг ишончини мустаҳкамлашдан иборат. Биз жамиятимизда ушбу қонун доирасида интизом ўрнатилишини талаб қиламиз, – деди Президент.

Қасим-Жумарт Тўқаевнинг фикрича, ёшлар мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиши, ўз нуқтаи-назарига эга бўлиши, турли ғояларни илгари сурishi ва уларни ҳаётга татбиқ этишда иштирок этиши керак.

– Фаол фуқаролик ҳаракати орқали сиз, биринчи навбатда, давлатга фойда келтирасиз, иккинчидан, ўз заковат ва иқтидорингизни намоян эта olasiz. Мутахассислар иқтидорига қараб баҳоланадиган очиқ жамият сари одимламоқдамиз ва вақти келиб, давлатни бошқариш масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир мутахассисга айланишингиз керак. Фуқароларимиз эришаётган муваффақиятлар туфайли Қозоғистон дунёда иқтидорли ва меҳнаткаш халқлар мамлакатли сифатида тобора эътироф этилмоқда. Давлат иқидий индустрияни ривожлантириш учун бар-

ча имконият эшикларини очади. Айни пайтда адабиёт, мусиқа, кино, телесериаллар ва компьютер ўйинлари бўйича лойиҳаларни тизимли қўллаб-қувватловчи махсус жамғарма ташкил этилмоқда. Ёшлар учун бу ўз-ўзини англаш борасида яна бир кучли манбадир. Ҳалол меҳнат қилиб, пул топиш, яъни масъулиятли фуқаро бўлиш жуда муҳим. Жорий йил "Ишчи касблари йили" деб эълон қилинди. Биз ишчиларнинг жамиятдаги мавқени ошириш чораларини кўряпмиз. Устувор вазифа – жамиятимизда меҳнатни қадрлаш тамойилини шакллантириш. Ҳар қандай иш юксак қадрланади, ишчи касбини танлаган ёшларимиз, айниқса, алоҳида ҳурматга лойиқ, – деди Президент.

Хулоса қилар экан, Қ. Тўқаев давлат равнақи йўлида меҳнат қилиш барчанинг бурчи эканигини таъкидлади. Ёшларимизнинг мустаҳкам бирлиги ва битмас-туганмас ғайрати туфайли биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан "Адолатли Қозоғистон"нинг барпо этилишига ишонч билдирди.

Президент нутқи якунида "Янги одамлар" ёшлар ташкилотига муваффақиятлар тилади. Анжуманда "Янги одамлар" ёшлар ҳаракатининг Алмати шаҳри бўйича раҳбари Владимир Изюмников, ҳаракатнинг матбуот котиби Алпамис Абилов, "Тумар" фуқаролик кампанияси раҳбари Галия Тузен, "Халық қаһары" фуқаролик кампанияси раҳбари Алихан Сарсенов, Antitrash кампанияси раҳбари Бауржан Аманов Президент томонидан кўтарилган ташаббусларни қўллаб-қувватладилар.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

## Қозоғистон жаҳон ОАВларида



**Anadolu:**  
Қозоғистон ва Грузия ҳукуматлари Ўрта йўлакни кенгайтириш масаласини муҳокама қилди

Қозоғистон томони Боку – Тбилиси – Жайхун орқали нефть ташиш ҳажмини ҳозирги 1,4 миллион тоннадан 2,2 миллион тоннагача ошириш ниятида. Шу муносабат билан Қозоғистон Бош вазири Ўлжас Бектенов ва Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе Транскаспий халқаро транспорт йўлаги ва Боку – Тбилиси – Жайхун (БТЖ) қувири доирасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. ҚР Бош вазири учрашувда Транскаспий халқаро транспорт йўлаги имкониятларидан, айниқса, транзит ва юк ташишда фойдаланиш муҳимлигини таъкидлади.

Ўз навбатида Кобахидзе ҳам Қозоғистон билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш ниятини билдирди.

**CentralAsia:**  
2024 йилда тўлов жорий этилган йўллар ҳисобидан Қозоғистон бюджетига 48 миллиард тенге тушди

Қозоғистонда тўлов жорий этилган йўллар ҳисобидан бюджет даромадлари ортиб бормоқда. Бу ҳақда Қозоғистон транспорт вазири Марат Қарабаев маълум қилди.

2024 йилда бундай йўллардан тушган даромад 48 миллиард тенгегача етди. Жорий йилда 4 минг чакирим янги тўловли йўлларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бу даромадни 60 миллиард тенгегача, 2026 йилга бориб эса 100 миллиард тенгегача ошириш кўзланмоқда. Маблағнинг бир қисми йўл қуриш учун ишлатилган кредитларни қоплашга сарфланади.

Ҳозирда Қозоғистонда 3,2 минг чакирим йўллардан юрганлик учун ҳақ тўланади. Таъмирланаётган йўллар ҳам босқичма-босқич тўловли йўлга айланади.

**Report:**  
Нефтни Европа бозорига етказиб бериш масаласи муҳокама қилинди

"ҚазМунайГаз" миллий компанияси бошқаруви раиси Асхат Хасенов ва Венгриянинг MOL Group нефтни қайта ишлаш бўйича ижроия вице-президенти Габриэль Сабо Қозоғистон нефтини Европа бозорига етказиб бериш истиқболларини муҳокама қилди.

Томонлар, шунингдек, Рожковское газ конденсати канини биргаликда ўзлаштиришнинг боришини кўриб чиқдилар. 2024 йилда кондан 301 миллион куб метр газ ва 222 минг тонна конденсат қазиб олинди. Бундан ташқари, Қозоғистоннинг нефть-кимё лойиҳаларида Европа компанияларининг иштироки ҳам қайд этилди.

– "ҚазМунайГаз" MOL Group билан самояларни жалб этиш, янги технологияларни жорий этиш ва тажриба алмашиш мақсадида стратегик ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Венгриялик ҳамкорларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга умид қиламиз, – деди А. Хасенов.

**Daryo:**  
Ўзбекистондан Қозоғистонга – 16 миллиард куб метр сув

Ўзбекистон Қозоғистонга 2025 йил 1 октябргача 16 миллиард куб метр сув етказиб бериши керак. Бу ҳажм ўтган йилга нисбатан 1 миллиард куб метрга кўпдир. Тегишли келишувга икки томонлама сув ҳамкорлигини чуқурлаштириш юзасидан қўша ишчи гуруҳининг 12-йилигида эришилди.

Қўшни Ўзбекистон 2025 йилги сўғориш мавсумида Дўстлик канали орқали сувни барқарор таъминлашга ёрдам беради. Бу Қозоғистон кишлоқ хўжалигига сув захиралари танқислиги хавфини қамайтириш имконини беради.

Қозоғистон сув захиралари ва ирригация вазири Нуржан Нуржигитов ва Ўзбекистон сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев давлатлараро каналларда ҳамкорликда таъмирлаш ишларини олиб беришга келишиб олди. Мазкур қарор Қозоғистоннинг Туркестон вилояти ва Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти деҳқонларининг сув таъминотини яхшилашга қаратилган.

2024 йил сентябрь ойида Сирдарё ҳавзасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув сифати бўйича қўша ишчи гуруҳ ташриф буюрди. Делегация Ўзбекистондаги сув сифати мониторинги ва оқова сувларни тозалаш билан боғлиқ муҳим иншоотларга ташриф буюрди.

Жаҳон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.



Тарихий олтин!

ҚОЗОҒИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ КОНЬКИДА УЧИШ БЎЙИЧА ҚИШКИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ

Қозоғистоннинг шорт-трек бўйича эркаклар терма жамоаси Хитойнинг Харбин шаҳрида ўтказилаётган IX қишки Осие ўйинларида олтин медални кўлга киритди.

Қозоғистон терма жамоаси эркаклар ўртасида 5000 метрга жамоавий эстафетада чемпион бўлди. Трекка Денис Никиша, Глеб Ивченко, Мерсаид Жақсибаев ва Адил Галиахметов чиқди.

24.kz. маълумотлари асосида.

## ҚУЁШ – ИНСОН ХИЗМАТИДА

АҲМАД ЯССАВИЙ НОМИДАГИ УНИВЕРСИТЕТ ОЛИМЛАРИ ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСINI ИШГА ТУШИРИШДИ

Университет олимлари яшил энергияни ривожлантириш ва барқарор тараққиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида таълим муассасасида умумий қуввати 30 кВт бўлган қуёш электр станциясини ишга туширди. Бу ҳақда ҚР Фан ва олий таълим вазирлиги маълум қилди.

Ушбу станция "Қуёш энергетикаси соҳасида STEM лойиҳаларини амалга ошириш асосида талабаларнинг илмий-тадқиқот ва муҳандислик фаолиятини ривожлантириш" грант лойиҳаси доирасида яратилган. Лойиҳа талабаларнинг ўқув-амалий иш-

ларига катта фойда келтириши режалаштирилган.

Қуёш электр станцияси муҳандислик-техник йўналиш бўйича бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнига алоҳида ҳисса қўшади. Талабалар қуёш панелларининг ишлашини ўлчаш



ва бошқа маълумотларни ўрганиш, иссиқлик ва чанг таъсирини таҳлил қилиш каби тадқиқотлар олиб борадилар.

Университет олимлари ушбу

лойиҳа мамлакатимиз олий ўқув юрларида ҳам татбиқ этилиб, яшил энергия ва барқарор тараққиёт тамойилларини жорий этишда намуна бўлишига ишонч билдирмоқда.

# ТУМАН РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев “Ана тили” газетасига берган мусохабасида, шунингдек, яқинда ўтган Ҳукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим масалаларга тўхталиб, жорий йилни “Ишчи касблари йили” деб эълон қилиниши муносабати билан меҳнат одамлари қадрлаш, уларга атрофлича ҳурмат кўрсатиш, ёшларни ишчи касбларини эгаллашга жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида аҳолига атрофлича маълумот бериш, жумладан, ҚР “Меҳнат Кодекси”нинг мазмун-моҳиятини тушунтириш вазифаси ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги зиммасига юкланган. Вазирликка қарашли республика илмий-тадқиқот институтининг Шимкент шаҳри ва Туркистон вилояти бўйича филиали директори Фахриддин Қоратоев яқинда Жетисай тумани ҳокими Серик Мамитов, ўринбосари Серик Примбетов, Саригоч тумани ҳокими Арман Абдуллаев ҳамда Келес тумани ҳокими ўринбосари Даурен Сариев-



лар билан учрашиб, Давлат си”нинг 182-боби талаблари раҳбарининг топшириқлари асосида тумандаги муассасалар ва корхоналар ходимларини малакасини ошириш



ИШЧИ  
КАСБЛАРИ  
ЙИЛИ



масалаларини муҳокама қилди.

Мазкур туманларнинг ички сиёсат ва таълим бўлимлари раҳбарлари ҳамда ходимлари иштирокида ўтган мулоқот чоғида Ф. Қоратоев ОАВнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаб, даврий нашрларга обунани уюштиришда тарғибот иш-

ларини жонлантириш зарурлигини эслатди.

**З. МҮМИНЖОНОВ,**  
ўз мухбиримиз.

**З. ҒАЙРАТОВА,**  
М. Аuezов номидаги  
Жанубий Қозоғистон  
университети талабаси.

Тасвирларда: сафардан лавҳалар.

## ТАЙИНЛАШ



Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитовнинг фармойишига мувофиқ, Сержан Дуйсебаев (тасвирда) туман ҳокими ўринбосари лавозимига ротация асосида тайинланди.

Сержан Даулбайули 1965 йилда туғилган. Олий маълумоти, касби – муҳандис-механик. Меҳнат фаолиятини 1989 йили Талдикўрғон вилояти, Уштўбе шаҳридаги донни қайта ишлаш заводида катта уста сифатида бошлаб, 1992-2010 йилларда Шимкент нефтни қайта ишлаш заводида уста, тегирмон раҳбари, “Бирлик” ИЧШ раиси, 2010-2012 йилларда Тўлебий туман тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги бўлими раҳбари, 2012 йилдан Тўлебий тумани ҳокими ўринбосари лавозимида ишлаган.

А. Сабитов шу кунгача Сайрам тумани ҳокими ўринбосари вазифасида самарали фаолият юритган Мадияр Уразалиевга миннатдорчилик билдириб, келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилади.

**З. МҮМИНЖОНОВ.**

## Р. ТАНИРБЕРГЕНОВ ХОНАДОНИДА



“Жолаушы” МЧБ асосчиси сифатида Туркистон шаҳрида республикада энг арзон йўлқира таъсис этган, вилоят маслаҳатчининг бир неча чақириқ депутати сифатида шаҳарда марказий иситиш буғ қозони, Шароф Ниёзов, Собир Раҳимов номли мактабларнинг янги ўқув бинолари қурилиши, кўчаларга асфальт тўшалиши, ўзбек тилидаги дарсликлар таъминоти, “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига амалда хисса қўиши, Қорачиқ қишлоғи йўналишида шаҳар автобус қатновини йўлга қўйиш каби жуда кўп яхшиликлар рўёбига камарбаста бўлган Раҳим Танирбергеновни вилоят аҳли қадрлайди.



Унинг кўп йиллик самарали меҳнатлари ҚР Президентининг орден ва медаллари билан тақдирланган, Туркистон шаҳри ва Жанубий Қозоғистон вилоятининг фахрий фуқароси, 76 ёшли Раҳим Кўлбайу-

лини таваллуд куни шодиёнаси билан “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг бош муҳаррири Райимжон Алибоев, Туркистон шаҳар УЭМБ раиси Райимжон Кўчқоров, фахрий Тўлқин

Саидмуродовлар билан муборакбод этдик. Энда меҳнати билан эъозли фаол обуначиларимиз Хайрулла Жумадуллаев, Худойберган Холметов, Аваз Айметовлар билан қадрдан ҳамкасб бўлган фахрий фуқаро

кифтига Р. Кўчқоров тўн ёлиб, “Ташаккурнома” тақдим этди. Туркистонга хизмати синган Тошбой Эрметов, Назар Шароповларни ҳурмат билан тилга олган суҳбатдошимизга Қорачиқ қишлоғи турғунларининг самимий саломини етказдик.

– Мени қўтлаб, самимий ният билдирган фаолларга катта раҳмат. Ўртоқ қишлоғида бунёд этилаётган муҳташам масжид қурилишига фарзандларим билан бирга ёрдам бердим. Эл бирлиги йўлида ажодларимиз аънанасини кўз қорачигидек сақлаб, ёш авлодга етказишга барчамиз хисса қўшаверайлик, – деди Раҳим Кўлбайули.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**  
Тасвирда: Р. Танирбергенов хонадониди.

## ЭСКИ ИҚОН ҚИШЛОҒИ ҲОКИМИ САЙЛАНДИ

Дилшод Саидов (тасвирда) Эски Иқон қишлоғи ҳокими сайловида 78,4 фоиз овоз билан ғолиб чиқиб, зафарга эришди.

Саврон туманидаги 20 минг аҳоли истиқомат қиладиган, пахта энг кўп етиштирилаётган, иқтисодий жиҳатдан энг бақувват қишлоқ турғунлари, жамоат ташкилотлари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари жамоалари номидан Дилшод Зокиржон ўғлини сайловдаги ғалабаси билан муборакбод этиб, ҚР Президентининг тинчликпарвар сиёсатини улуғлаш фаолиятида зафарлар тилаймиз.

Эски Иқон қишлоғи ҳокимлиги.  
“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти.

## Вилоят марказидаги “Жеңіс” боғида

ЁКИ ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ...



“Жеңіс” истироҳат боғи 2010 йили Туркистон шаҳри ҳокими, марҳум Алипбек Усербаев раҳбарлигида бунёд этилган. Боғнинг ўзгачалиги – улкан мармар деворга 1941-1945 йиллари урушга сафарбар қилинган 18547 нафар туркистонликларнинг исми шарифи зарҳал ҳарфлар билан битилган. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари – Қурбонбой Ирисбеков, Абдулла Усенов, Файзулла Йўлдошев, Расул Исетовларга ёдгорлик ўрнатилган.



Қурбонбой Ирисбеков 1922 йили Чўрноқ қишлоғида туғилган. Мактабда тарих ва география фанларидан дарс берган. 1937 йилдан комсомол аъзоси. 1942 йилнинг баҳоридида фронтга сафарбар қилинган. Днепр дарёсининг ўнг қирғоғини, керамика институтини фашист босқинчиларидан озод этишда мардлик намунасини кўрсатиб, фидокорона жанг қилган. Шахсан ўзи битта жангда 15 фашистни яқсон қилди. Қ. Ирисбеков раҳбарлигидаги взвод оғир жангларда душманнинг бир рота аскарини қириб ташлади. Керамика институтини ишғол қилинди. Душман қарши жангга ўтиб, яна 50 аскардан жудо бўлди. Шу қирғинбарот жангларда 21 ёшли Қурбонбой Ирисбеков оғир жароҳатланиб, ҳаётдан кўз юмди. СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1944 йил 10 январдаги қарори билан Қ. Ирисбековга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Унинг номи Саврон тумани маркази Чўрноқ қишлоғидаги 5-сонли мактаб интернат ва кўчага берилган. Ёдгорлик ўрнатилган.

Абдулла Усенов 18 ёшида урушга сафарбар этилганида Туркистон станциясида ишчи эди. Дастлабки

жангларда ўзининг мард ва душманга аёвсиз эканлигини кўрсатди. 112-ўчи дивизия таркибидида хизмат қилди. 1943 йилнинг декабрь ойида А. Усенов қуролдош дўстлари билан немис танкларини йўлини тўсиб жангга киришди. Танкларни тўхтатиш ҳақида буйруқ олган А. Усенов эмаклаб, олға ҳаракатланди. Немис танкларининг бири унга қараб йўналди. Ўйлаб туришга фурсат йўқ. Абдулла Усенов танкка қарши иккита минани кўкрагига босиб, ўзини танк ғилдиракларига тагига олди. Кучли портлашдан душман техникаси олов исканжасида қолиб, тўхташга мажбур бўлди. СССР Олий Кенгаши Президиумининг қарори билан А. Усеновга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Учқайиқ қишлоғида қаҳрамон аскар номи ўрта мактабга, кўчага берилган, ёдгорлик ўрнатилган.

Файзулла Йўлдошев 1912 йили 15 сентябрда Туркистонда ишчи оиласида таваллуд топган. Таълим соҳасида фаолият юритган. 1942 йили фронтга сафарбар этилди. Биринчи Украина fronti таркибидида хизмат қилди. Ф. Йўлдошев раҳбарлигидаги бўлим



аскарлари Днепрнинг ўнг қирғоғини душмандан озод қилиш жангарида қатнашди. Уч кун бадалдаги қаттиқ жангларда Ф. Йўлдошев бўлимидаги 11 аскарнинг ҳаммаси ҳалок бўлди. Ўзи ҳам қаттиқ жароҳатланганига қарамадан пулемётдан фашистларга ўт ёғдириб, энг сўнггида гранаталарни ишга солди. СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1943 йил 29 октябрдаги қарори билан Файзулла Йўлдошевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони

берилди. Урушдан сўнг Ф. Йўлдошев таълим соҳасидаги фаолиятини Ўзбекистоннинг Наманган вилоятида давом эттириб, партия мактаби бўлим мудирини, мактаб директори лавозимида ишлади. 1990 йили Туркистондаги Хамза номли мактаб ўқитувчиси Раъно Абдулақимова ўқувчилари билан Наманган шаҳрига отланиб, уруш қаҳрамони билан учрашув ташкил этди. Бу – қаҳрамон билан ҳамюртларининг энг сўнги дийдорлашуви эди.

Расул Исетов 1924 йили туғилган. Урушга 1942 йили сафарбар этилди. Украинани озод қилишда душман ДОТидан ёғдирилган ўқ ёмғири остида кўплаб аскарлар ҳалок бўлди. Р. Исетовга қуролдош дўстлари билан ДОТ

ни яқсон этиш буйруғи берилди. Душман истеҳкомига ён томондан эмаклаб етган Р. Исетов ДОТ туйнугидан гранаталар ташлаб ичкаридагиларни ҳибсга олади. Шу жангда 50 немис аскар ва 2 зобитни ер тишлаб, катта миқдордаги курул-роғ, хусусан, 40 милтик, 1 пушка, 2 пулемёт, 1 огнемёт ҳамда ўқ дориларни қўлга киритади.

СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1945 йил 24 мартдаги қарори билан Расул Исетовга Совет Иттифоқи



Қаҳрамони унвони берилди. Урушдан кейин кўп йиллар Туркистон марказий бозори директори сифатида меҳнат қилган Расул Исетов 2009 йили вафот этди. Уруш қаҳрамони номи вилоят марказидаги 20-сонли умумтаълим мактабига берилган. Ёдгорлик ўрнатилган.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

Тасвирларда: Уруш қаҳрамонларига ўрнатилган ёдгорлик; мармар деворга барча уруш фахрийлари номи битилган.

Муаллиф суратга олган.

**Р.С. Фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабага 80 йил тўлмоқда. Ёш авлод мард ажодлар қаҳрамонлигидан ибрат олса, тинчликнинг қадр-қиммати етиб, ватанини севса, илм ҳамда хунар эгаллаб, мустақил Қозоғистон равнақида хизмат қилса – нур устига нур.**



&gt;&gt;&gt; 9 февраль – А. Навоий таваллуд топган

## МАКТАБ ЁДГОРЛИГИ ПОЙИДА



Жорий йили Қозоғистон Халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги нишонланади. 1990 йили Туркистон шаҳридаги Шумилов номи темирйўлчилар клубида Эркин Жўрабеков, Ирискул Айтметов, Эрнатар Рўзиматов, Одил Олимов, Олимжон Муҳаммадҷонов, Ҳусан Убайдуллаев каби фаоллар иштирокида илк бор шаҳар ўзбек маданият марказининг таъсис йиғилиши ўтган.

Шаҳар партия кўмитаси саркотиби Нурдин Балқияев, Ўзбекистондан Омон Матжон ва бошқа таниқли ёзувчи-шоирлар иштирок этиб, нутқ ирод этган ушбу халқаро анжуманда шоир Эрнатар Рўзиматов марказ раиси бўлиб сайланган. Туркистон шаҳрида тилимиз, маданиятимиз рав-

нақи ва анъаналаримиз бардавомлигини таъминлашни мақсад тутган ташкилот 35 йил муқаддам фаолиятини бошлади.

Э. Рўзиматов савъ-ҳаракатлари, ҳамда пахта тозалаш корхонаси (директори Одил Олимов), ремонт-механика корхонаси (директори Дилмурод Жамолов) каби жамоалар ҳиммати билан А. Навоийнинг ёдгорлик бюсти Тошкентда тайёрланди. Мактаб ота-оналар кўмитаси мутасаддиси, меъмор Саъдулла Содиқов лойиҳаси асосида 1992 йили ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди.

Адиблар Одил Ёқубов, Носир Фозилов, Қулбек Ергўбек, Турсунои Содиқова, хонанда Олмаҳон Ҳайитова, шунингдек, Фарҳод Раҳимов, Пўлат Иброҳимов, Парпи

Бобоев, Султон Бобоҳонов, Ҳамза Мирхайдаров сингари ҳамюрт шоирлар, 2021 йили ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов раҳбарлигида Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб ўтказилган республика анжумани иштирокчилари ушбу ёдгорлик пойига гулчамбарлар кўйишганди.

Ўтган куни ушбу ёдгорлик пойида Туркистон шаҳри ва Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмалари раислари Райимжон Қўқоров, Қурбонбой Ирисбековлар ҳомийлигида шоир Эрнатар Рўзиматов, Қорачиқ қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адхамов, “Жанубий Қозоғистон” обунасига 210 нусхалик баракали ҳисса кўшаётган шоир Қодир Аҳмедовлар кифтига тўн ёпилиб ташаккурномалар тақдим этилди. 2025 йил - А. Навоийни устозим деб эъозлаган улғў Абай Қўнанбаев таваллудининг 180 йиллиги билан ҳам ўзгачадир. Буюк аждодларимиз Навоий ва Абай ижодида теран тараннум этилган ҳалоллик, камтарлик, ватанпарварлик, дўстлик, соф муҳаббат каби фазилатларни бугунги ёш авлод қалбига шаклланишига эришсак нур устига нур.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: А. Навоий ёдгорлиги пойида

Муаллиф суратга олган.

**P.S:** Саврон туманида фаолият юритаётган умумтаълим мактабларининг бирига Аlisher Навоий номи бериш хусусидаги таклиф мутасадди ташкилотлар томонидан ижобий ҳал этилишига ишончимиз комил.

Мактабимизда “Навоий ўқишлари” мавзуда кўрик-танлов ўтди.

Тадбирдан мақсад – машҳур давлат арбоби, халқлар дўстлигини тараннум этган буюк мутафаккир шоир Мир Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганиш орқали ўзбек тилининг бадиий хусусиятлари, туркий халқлар дўстлигини тарғиб қилиш ва Навоий асарларида ўз ифодасини топган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни улғўлаш орқали ёш авлод онгига юрт маънавий бирлиги туйғусини мустаҳкамлашдир.

Шаҳар миқёсидаги бу тадбир юқори савияда ўтди. “Навоий ўқишлари” кўрик-танловида ҳудудимиздаги ҳар бир мактабдан 1 нафардан ўқувчи иштирок этиб, мустақил фикрлаш қобилияти, ёзма саводхонлиги, асар матнини ёддан билиш ва ифодали ўқиш малакаси, шоир ҳаёти ва ижодига оид билими, саҳна маданияти,

## “НАВОИЙ ЎҚИШЛАРИ”ДА ҲИКМАТ МУЖАССАМ



миллий либосларга эътибор қаратилди. Ўқувчилардан Зиёла Қодирхонова, Насиба Қодирова, Севинч Камолова, Фарид Садиқова, Жасмина Муҳиддиновалар совринли ўринларга сазовор бўлишди.

Хуллас, Алишер Навоий номининг боқийлиги, сиймосининг абадийлиги, аввало, буюк бобоконимизнинг ҳақиқий инсон, бетакрор қадриятлар соҳиби эканлигидан далолатдир. Демак, боболарга муно-

сиб ворис бўлиш – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

Ойдиниса ВАФОЕВА,  
11-сонли “Ақын-тўма” мактабининг ўзбек тили ва адабиёти муаллими.  
Қарноқ.

## БАҲОРГИ ДАЛА ИШЛАРИГА – ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Мамлакатимизда 907та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилари 125,6 миллиард тенге миқдорда молиялаштирилди, дея хабар беради ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг матбуот хизмати.

Қишлоқ хўжалиги вазири Айдарбек Сапаров “Байтерек” Миллий бошқарув холдинги ХЖ раҳбарияти билан йиғилиш ўтказди, унда 2025 йилда баҳорги дала ва йиғим-терим ишларини муддатидан олдин молиялаштириш юзасидан аризаларни қабул қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ушбу мақсадлар учун 700 миллиард тенгегача маблағ ажратиш режалаштирилган.

Шунингдек, тадбирда ҳамкорликни кенгайтириш, имтиёзли кредитлаш йўналишлари, аграр соҳага сармоя жалб этиш, агро-саноат мажмуасининг устувор йўналишларида давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар, янги молиялаштириш дастаклари ва 2025 йилга мўлжалланган режалар муҳокама қилинди.

24.kz. маълумотлари асосида.

## ҲАЖ ЗИЁРАТЧИЛАРИ УЧУН МАЖБУРИЙ ВАКЦИНАЦИЯ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Air Astana авиакомпанияси йўловчиларни 10 февралдан бошлаб Саудия Арабистонига кириш учун менингококк инфекциясига қарши эмлаш зарурлиги ҳақида огоҳлантирди.

10 февралдан Умра ва Ҳаж зиёратига бориш ниятида бўлган 1 ёшдан ошган барча йўловчилар менингококк хасталигига қарши эмланганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлишлари шарт.

«Менингококкка қарши тетравалент полисахарид вакцинаси (ACYW-135) охириги 3 йил ичида ва Жидда ёки Мадинага келишдан камидан 10 кун олдин қабул қилинган бўлиши даркор. Ёки тетравалент менингококк конъюгат вакцинаси (ACYW-135) сўнгги 5 йил ичида ва шаҳарга келишдан камидан 10 кун олдин қабул қилинган бўлиши керак», дейилади хабарда.

Батафсил маълумотни Саудия Арабистони Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтдан олишингиз мумкин.

inform.kz. маълумотлари асосида.

## ҚАДРИЯТЛАРНИ ҚАДРЛАБ

Жорий йил мамлакатимизда “Ишчи касблар йили” деб эълон қилинди. Давлат раҳбари бунга алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Зеро, ҳар бир соҳани ўзининг етук мутахассислари, усталари ривожлантиради. Ёшларимиз касб танлашида ҳам бунга алоҳида эътибор беришлари жоиз.

Яқинда бошланғич синф ўқувчиларим учун мактабда ўтказган очиқ дарсни ҳам айнан ўша мавзуга бағишладим. Шу билан бирга, эртаимиз эгалари миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни ҳам унутмасликларни, ўз касбини қадрлаётган усталардан ўрнак олишлари муҳимлигига эътибор қаратдим. “Ким бўлсан экан?” мавзусига бағишланган очиқ дарсда барча ўқувчилар фаол иштирок этишди. Ёдлаган шеърлари, намойиш этган саҳна асарларида инсон ўзи улғўлаётган касби



туфайли камолга эришиши, анъаналаримиз бетакрорлиги маънавий бойлигимиз эканлигини таъкидлашди. Ўқувчилар “Подшо ва унинг уч ўғли” номили эртақдан саҳна асарини намойиш этишди. Фаол ўқувчиларимиздан Абдурахмон Исмоилов, Собира Салоҳиддин, София Фаррух, Асадбек Мирободов, Азамат Умаров, Самандар

Хабибуллаевлар фаол иштирок этишди. Уни саҳналаштиришда ташаббускор ўқувчимиз Зиёда Анорқулова ҳамда Самандар Хабибуллаев ташаккурномалар билан тақдирланишди.

Шаҳримизда кулолчилик санъатини улғўлаб келаётган уста Ақтилек Жадигеровни дарсимизга таклиф қилдик. Мактаб кутубхонасига кулолчилик ускуналарини ўрнатдик. Тадбирда иштирок этган 100дан зиёд ўқувчи дастгоҳда лойдан кўза ясаш сирларини ўрганишди. Ҳар бир ўқувчига ўзи ясаган кўзаси, ўзининг дастхати билан эсдалик совға сифатида тақдим этилди.

Мактаб раҳбари Луиза Собирова ҳам бу каби маҳорат сабоғида иштирок этиш орузи эканлигини айтиб, дастгоҳда ўз

кўзасини ясади. Тадбирда сўз олиб, миллий ҳунармандчиликимиз ҳар бир халқнинг бетакрор анъаналари, маданиятини асрлар бўйи ривожлантиришини ва маънавияти юксак аждодларимизнинг бунда ҳиссаси бекиёс эканлигига алоҳида урғу берди.

Тадбирда иштирок этаётган ота-оналарга ишчи касбларини тарғиб қилиш, ўқувчиларни турли тўғарак машғулотиришга қатнашишга рағбатлантириш лозимлигига эътибор қаратди. Дарс сўнггида ҳамма ўз кўзаси билан эсдалик учун расмга тушди.

Ҳабиба ЗИЁЕВА,  
Муқимий номидаги  
13-умумтаълим мактабининг бошланғич синф муаллими.  
Шимкент шаҳри.

&gt;&gt;&gt; Янги нашр

## “АЛИШЕР НАВОИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ” НАШР ЭТИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан тўрт жиллик “Алишер Навоий энциклопедияси” нашрга тайёрланди.

Қомусдан навоийшунослик масалалари, буюк шоир асарларининг турли йиллардаги нашрлари, уларнинг хорижий тилларга таржималари, юртимиз ва жаҳон кутубхоналари хазиналарида сақланаётган қўлёзма ҳамда тошбосма китоблари, шунингдек, рассомлик, ҳайкалтарошлик, театр, кино сингари санъат турларида Алишер Навоий сиймосининг акс эттирилишига доир мақолалар, айрим лирик асарларининг илмий таҳлиллари ҳам ўрин олган.

«Жанубий Қозоғистон» муҳбири.

&gt;&gt;&gt; «Жанубий Қозоғистон» газетаси тақвими

## МАРТ ОЙИДАГИ БАЙРАМЛАР

2025 йил март ойида мамлакат фуқаролари қандай дам олади? Бу ойда иккита муҳим байрам нишонланади: 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўз байрами.

2025 йил 8 март (Халқаро хотин-қизлар куни) шанбага тўғри келади, шунинг учун 10 март (душанба) қўшимча дам олиш куни;

- Наврўз байрами 21-23 март жума, шанба ва яшанба кунларига тўғри келади, шунинг учун 24 ва 25 март (душанба ва сешанба) қўшимча дам олиш куни, умумий ҳисобда байрам беш кун давом этади: 21, 22, 23, 24 ва 25 март кунлари;

Олти кунлик иш ҳафтасида фаолият юритаётганлар учун 25 март, сешанба иш куни, 21, 22, 23 ва 24-март эса дам олиш кунлари ҳисобланади.

Март ойида касбий ва бошқа байрамлар мавжуд. Иш кунлари бўлишига қарамай, бу байрамлар ҳам муносиб нишонланади.

Касбий байрамлар рўйхати ҚР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2023 йил 17 ноябрдаги 480-сонли буйруғи дастлаб расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

1 март – Шукрона куни

8 март (март ойининг иккинчи шанбаси) – Геодезия ва картография ходимлари куни

БМТ тақвими:

3 март – Бутунжаҳон болалар радиоэшиттиришлари куни; – Бутунжаҳон ёввойи табиат куни;

4 март – Бутунжаҳон семиршига қарши кураш куни;

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни;

10 март – Халқаро судья хотин-қизлар куни;

15 март – Халқаро исломофобияга қарши кураш куни;

20 март – Халқаро бахт куни;

21 март – Бутунжаҳон шеърят куни;

– Халқаро ўрмонлар куни;

– Наврўз байрами;

22 март – Жаҳон сув куни;

23 март – Бутунжаҳон метеорология куни;

24 март – Бутунжаҳон силга қарши кураш куни;

25 март – Халқаро одам савдоси қурбонларини хотирлаш куни.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БУРОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Қазигурт – Хуршид ҚўЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82  
Кенот, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, К234VРУ00022503 гувоҳнома берилган.  
“E”RNUR”o”g” M”B” Bosmaxonasiда чол этилди. Шимкент шаҳри, Т. Айтматов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Бир нумар:

305.

Нашр кўрсаткичи – 65446.

Адади – 11700 нуска.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.

Бир нумар:

305.